

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ИМИЖИНИ ОШИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИ ВА PUBLIC RELATIONS (PR) ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХУСУСИДА

Sa’dullayev Sherzod Maxsud o‘g‘li

Mustaqil izlanuvchi

Аннотация

Мазкур мақола глобаллашув ва қуролли тўқнашувларнинг кучайиб бораётган даврида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги имижининг стратегик аҳамиятини таҳлил қилади. У имижни шакллантириш стихияли эмас, балки Public Relations (PR) технологиялари ёрдамида мақсадли ва режаслаштирилган фаолият натижасида амалга оширилиши лозимлигини асослайди. PR фаолиятининг икки томонлама моҳиятига эътибор қаратади: ташкилотнинг зоҳирий қиёфасини шакллантириш билан бирга, унинг ички фаолиятини такомиллаштириш ва кадриятларини етказиш. Ж. Грунинг, Т. Хант, В. Михалченко ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг ёндашувларига таяниб, мақолада Мудофаа вазирлиги имижини шакллантиришда рамзий-эмоционал, субстанционал-моҳиятли, қиёсий-таҳлилий ҳамда интеграцион ёндашувларнинг оқилона уйғунлашуви зарурлиги кўрсатилади. Шаффофлик, очиқлик ва ахлоқий принципларга асосланган PR стратегияси орқали вазирликнинг жамоатчилик онгидаги узоқ муддатли ва ишончли қиёфасини таъминлашнинг методологик асослари ёритилади.

Аннотация

В данной статье анализируется стратегическое значение имиджа Министерства обороны Республики Узбекистан в эпоху глобализации и обострения вооруженных конфликтов. Он обосновывает, что формирование имиджа должно осуществляться не стихийно, а в результате целенаправленной и запланированной деятельности с помощью технологий Public Relations (PR). Он фокусируется на двойственной природе PR-деятельности: формировании внешнего облика организации, а также совершенствовании ее внутренней деятельности и передаче ее ценностей. Опираясь на подходы Ж. Грунинга, Т. Ханта, В. Михальченко и отечественных исследователей, в статье показана необходимость рационального сочетания символично-эмоционального, субстанционально-сущностного, сравнительно-аналитического и интеграционного подходов в формировании имиджа Министерства обороны. С помощью PR-стратегии, основанной на прозрачности, открытости и этических принципах, освещаются методологические основы обеспечения долгосрочного и надежного имиджа министерства в общественном сознании.

Abstract

This article analyzes the strategic importance of the image of the Ministry of Defense of the Republic of Uzbekistan in the context of globalization and escalating armed conflicts. He substantiates that image formation should be carried out not spontaneously, but as a result of purposeful and planned activity using Public Relations (PR) technologies. Focuses

on the dual nature of PR activity: forming the external image of the organization, as well as improving its internal activities and conveying its values. Based on the approaches of J. Gruning, T. Hunt, V. Mikhalchenko, and domestic researchers, the article shows the need for a rational combination of symbolic-emotional, substantive-essential, comparative-analytical, and integration approaches in the formation of the image of the Ministry of Defense. Through a PR strategy based on transparency, openness, and ethical principles, the methodological foundations for ensuring a long-term and reliable image of the ministry in public consciousness are highlighted.

Кириш қисми. Глобаллашув даврида ва курули тўқнашувлар ривожланган вақтда Мудофаа вазирлигининг имижига муҳим аҳамиятга эга. Имиж – бу вазирликнинг жамоатчилик онгидаги яхлит тасаввури бўлиб, унинг шаклланиши стихияли тарзда эмас, балки мақсадли ва режалаштирилган фаолият натижасида амалга оширилиши лозим. Бу жараёнда Public Relations (ПР) технологиялари муҳим аҳамият касб этади, чунки улар вазирлик билан жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни ташкил этиш ва бошқаришнинг самарали воситалари ҳисобланади.

Ҳозирги даврда кўплаб ташкилотлар ПР фаолиятини фақат ташқи имиж яратиш воситаси сифатида нотўғри талқин қилмоқдалар. Аслида, ПР технологиялари нафақат ташқи қиёфа ва тасаввурларни шакллантиришга, балки ташкилотнинг ички фаолиятини такомиллаштиришга, унинг қадриятлари ва мақсадларини жамоатчиликка етказишга, узоқ муддатли ва барқарор муносабатларни ўрнатишга қаратилган комплекс фаолиятдир. Мудофаа вазирлиги имижини шакллантиришнинг методологик асослари ва ПР технологияларининг бу имижни шакллантиришнинг асосий ёндашувларини аниқлаш, ПР технологияларининг самарадорлигини таъминловчи омилларни ўрганиш ва бу соҳанинг истиқболли йўналишларини белгилашдан иборат.

Асосий қисми. Имиж шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўплаб хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Таҳлиллар кўра, имиж концепцияси турли фанлар кесишмасида шаклланиб, ривожланган, бу эса ушбу тушунчанинг кўп қиррали ва мураккаб табиатини яққол тасдиқлайди.

Жеймс Грунинг ва Тодд Хант имиж яратишда икки асосий ёндашувни ажратиб кўрсатади: рамзий-эмоционал ва субстанционал-моҳиятли. Биринчиси, ташкилотнинг ташқи кўриниши ва алоқалари орқали "зоҳирий имиж"ни шакллантиришга қаратилган бўлса, иккинчиси, унинг ҳақиқий ички фаолияти, қадриятлари ва тамойилларини ўзгартириш орқали имиж яратишни назарда тутди.

Америкалик олимлар Уилкокс, Камерон ва Олт ПР фаолиятини “имиж инжиниринги” деб таърифлаб, уни ташкилотнинг ижобий қабул қилинишига қаратилган комплекс фаолият деб баҳолайдилар. Уларнинг фикрича, ПР мутахассислари маълумотларни стратегик бошқариб, таҳлил қилиб ва тарқатиб, ташкилот қиёфасини яратадилар. Шунингдек, ПР технологиялари ташкилот ва аудитория ўртасида икки томонлама алоқани таъминлаб, ташкилотга фаолиятини

такомиллаштириш ва аудитория талабларига мослашиш имконини беради, натижада имижнинг узок муддатли барқарорлиги ва ижобий тасаввур шаклланади.

Россиялик олим В. Михалченконинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда жамоатчилик билан алоқаларнинг вазифаларидан бири-оддий истеъмолчидан тортиб олий ҳокимият органларигача конструктив мулоқот имконияти билан ташкилот фаолияти ҳақида ижобий, ишончли фикрни шакллантиришдир. Ижобий имиж ва юқори обрўни яратиш ўзаро манфаатли ва барқарор муносабатларнинг кафолати бўлиб, корпоратив услубни яратиш, вазирликнинг ижтимоий аҳамиятга эгалигини, унинг индивидуаллиги ва айнанлигини аниқлашнинг мураккаб ва узок жараёнини талаб қилади.

Белгиялик экспертлар Натали Дентчев ва Айм Геннинг тадқиқотларига кўра, “Имиж шакллантиришда ПР-стратегиялари фақатгина ташқи қиёфани яратишга эмас, балки ташкилотнинг ҳақиқий фаолиятини ўзгартиришга ҳам қаратилиши, яъни ички тузилмавий ва функционал ўзгаришларга туртки бўлиши керак”. Уларнинг фикрича, вазирлик имижини шакллантиришда фақат ташқи коммуникацияларга эътибор қаратилиши етарли эмас, балки ички фаолият ва жараёнларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ПР-фаолиятнинг икки томонлама муҳим моҳиятини яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистонлик тадқиқотчи У. Исломбеков эса ПР технологияларининг давлат бошқаруви соҳасидаги аҳамиятини таъкидлаб, “Жамоатчилик билан алоқалар технологияларининг давлат бошқаруви соҳасида кенг қўлланилишининг сабабларидан бири легитимликни таъминлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир” деб ёзади. Унинг фикрича, ПР фаолияти нафақат вазирликнинг ташқи имижини шакллантиришга, балки жамият билан мулоқот ўрнатиш ва ишонч қозонишга ҳам хизмат қилади.

А. Назаровнинг фикрича, ПР – жамиятда очиқлик ва ошкораликни таъминлаб вазирликнинг ижобий имижини яратиш воситаси сифатида, балки жамият олдидаги масъулиятни англаш ва ахлоқий тамойилларга риоя қилишга ундовчи механизм сифатида ҳам хизмат қилади ҳамда назорат ва қонунлар орқали эмас, жамият олдида обрўсизланишдан қўрқиб, ўз хизматларини яхшилашга замин яратади.

Қиёсий-таҳлилий ёндашув имиж шакллантиришнинг муҳим методологик асосларидан бири ҳисобланади. Бу ёндашув рақиблар имижини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўз имижини стратегик шакллантириш, бозордаги ўз мавқеини аниқ белгилаш ва рақобатдошлик устунликларини самарали намоён этишга қаратилган. Бу ёндашувда бенчмаркинг усуллари кенг қўлланилади, яъни соҳадаги энг яхши амалиётлар мунтазам ўрганилади ва улардан ўз имижини такомиллаштириш учун самарали фойдаланилади.

Хулоса. Юқоридагилардан маълумки, имиж шакллантириш жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, унинг самарадорлиги қўлланиладиган методологик ёндашувлар ва ПР технологияларининг тўғри танланиши ва самарали қўлланилишига боғлиқ. Мудофаа вазирлиги имижини шакллантиришда рамзий-эмоционал, субстанционал-моҳияти, қиёсий-таҳлилий, ситуацион ва интеграцион ёндашувларнинг оқилона

25-Sentabr, 2025-yil

комбинациясидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. ПР технологиялари нафақат вазирликнинг ташқи имижини яратиш, балки унинг ички фаолиятини такомиллаштириш, аудитория билан икки томонлама алоқа ўрнатиш ва узоқ муддатли ишончли муносабатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий рақамли технологиялар ПР фаолиятини амалга оширишда янги имкониятлар яратади, аммо бу соҳада муваффақиятга эришиш учун анъанавий ПР усуллари билан рақамли технологияларни оқилона уйғунлаштириш, контентни стратегик режалаштириш ва аудитория билан доимий мулоқот ўрнатиш лозим. Шунингдек, имиж шакллантиришда ахлоқий принциплар ва ижтимоий масъулият муҳим роль ўйнайди. Шаффофлик, очиклик ва ҳаққонийлик принципларига асосланган ПР стратегияси ташкилотнинг узоқ муддатли ва барқарор имижини таъминлайди.